МАНГУ БАРҲАЁТ БУЮК ИНСОН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 93 (6. 582) ◉ 1988 йил 22 апрель, жума ◉ Баҳоси 3 тийин

Маркс—Энгельс—Ленининнинг буюк революцион таълимоти абадий яшаб, ривожланаверсин!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН).

В. И. ЛЕНИН. 1922 йил. ТАСС фотохроникаси.

Революция иши давом этмоқда

Баҳор фаслининг шу куни биз барча совет кишилари учун шарафли ва муборак кун. Шу куни пролетариатнинг буюк доҳийси Владимир Ильич Ленининнинг туғилган кунини нишонлаймиз. Шу сана арафасида ҳар йили бўладиган Коммунистик шанбаликлар бутун мамлакат бўйлаб катта меҳнат байрамига айланади. Бу бизга пролетариат доҳийсидан қолган маънавий меросдир.

Мамлакатимизда амалга оширилган Улуғ Октябрь революциясидан тортиб, ҳозирги пайтда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида, турмушимизнинг барча жабҳаларида ва ер курраси бўйлаб тинчлик соҳасида, ҳатто коинотдаги эришаётган жасоратимизгача бўлган ҳамма-ҳамма нарса бу улуғ зотнинг номи билан боғлиқдир.

Туркистонда Улуғ Октябрь революцияси ғалаба қилган чоғида мен ўсмирин эдим. Қадим замонда хонлар, бойлар, амалдорлар хизматида эзилган, хўрланган, топталган халқнинг оддий бир фарзанди бўлгандим. Ота-онам чор-ночор яшаган. Менинг бошимга болалигимда турмушнинг энг оғир кунлари тушган. Улуғ Октябрь менга нурафшон йўлни кўрсатди. Янги жамият ғоялари руҳида тарбияландим, Тошкентдаги миллий ҳарбий курсантлар мактабида таълим олдим, шундан кейин революция ишига яна қаттиқ бел боғладим. Бухорода амирнинг тахтдан ағдарилиши учун бўлган курашларда қатнашдим, кейинчалик босмачиларга қарши шафқатсиз жанглар олиб бордик.

1919 йилда Когонда пахта тозалаш заводида оддий ишчи бўлиб юрган пайтимда ёшлар клуби ташкил этилган эди. Унинг ҳар бир машғулоти қизиқарли ва қизғин ўтарди. Ўша кезларда биз доҳийнинг ғояларини ўрганишга ҳаракат қилар эдик. Ҳамон ёдимда турибди. Революционерлардан бири Ленин ҳақида суҳбат ўтказди. Ўшанда унинг ҳаётига доир маълумотлар, яратган асарларини, буюк инсон фазилатлари ҳақида қатор қизиқарли фикрларни эшитдик. Ана шундан кейин менда коммунист бўлиш иштиёқи туғилди. 1923 йилда кандидатлик стажини ўтаб, 1924 йилда қўлимга коммунистлик билетини олдим.

Доҳий В. И. Ленин ҳаётлигида амалга оширилган кўпгина ишлар ва унинг вафотидан кейин доҳий ғояларининг изчил давом эттирилиши, унинг орзуларни амалга ошиши бўйича кўпгина ишларнинг жонли гувоҳи бўлганман.

Пролетариат доҳийси ўзининг тиним билмас қизғин меҳнати, чексиз тафаккури, ўткир ғоялари, буюк инсоний фазилатлари билан ҳамиша илҳомбахш бўлган. Доҳий сиёсатининг ва ғояларининг тантанасида кўпгина муҳим жиҳатларни кўрамиз. У ёш Советлар мамлакатидаги барча халқларни ва миллатларни севарди. Ҳар бир миллат ва элатнинг эртанги порлоқ куни ҳақида кўп қайғурган. Владимир Ильич иш билан банд бўлганлигига қарамай, Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашларининг одимларини кузатиб турарди. Масалан, унинг «Туркистондаги коммунист ўртоқларга» хати эълон қилинганлигини яхши биламан. У бу хатда улкан вазифаларни белгилаб берган эди. Жаҳондаги барча тинчликсевар халқлар бу буюк инсон билан фахрланадилар. Биз, совет кишилари доҳийнинг номини муқаддас ва пок сақлашга ҳаракат қиламиз. Республикамиз пойтахтида биринчи дорилфунун унинг номи билан аталади. Бу олий ўқув юртининг юзага келишида Ленининнинг бевосита ғамхўрлиги ва ташкилотчилигини кўрамиз. У оғир йиллар бўлишига қарамай, «Фан поезди»ни Тошкентга юборади. Мана эндиликда Ўзбекистон фани ва маданияти тараққий этган катта ўлкага айланди. Ана шу ютуғимизда Ленин сиёсатининг ёрқин тантанаси акс этган.

Ҳозирги авлод бахтли ва фаровон даврда яшаяпти. Улар ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Ёш авлоднинг камолга етиши учун ҳамма нарсалар яратиб берилган. Мен кекса партия ветерани сифатида яна бир нарсани қувониб айта оламанки, фарзандларимиз, набираларимиз пролетариат доҳийсининг асарларини атрофлича ўрганмоқдалар.

Ҳозир ҳаётимизнинг ҳамма соҳасида қайта қуриш қизғин бораяпти. Бир сўз билан айтганда, биз ленинчасига яшаш, меҳнат қилиш ва курашишга интилаяпмиз. Яқинда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Михаил Сергеевич Горбачев Тошкентда бўлиб, шаҳримиз меҳнаткашларининг қайта қуриш борасида олиб бораётган ишлари билан танишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республика раҳбар ходимлари ҳузурида сўзлаган нутқида ишимизга баҳо бериб, шундай деди: «Бизнинг назария ва сиёсат соҳасидаги куч-ғайратларимиз бўшаштирилмаслиги, балки, аксинча қайта қуришнинг орттирилган тажрибасини эътиборга олиб кенгайиши ва янги уфқларга чиқиши лозим, чунки бу тажриба ҳам кўп нарсаларга янгича назар ташлаш ва ўтмишни тўғри баҳолашга ёрдам беради. Шу маънода биз XIX партия конференциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга катта умид боғлаяпмиз. У мана шундай фаолият учун янги турткн бериши керак».

Совет кишилари партиямизнинг XIX конференциясига қизғин ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу анжуманда бир қатор етилган муаммолар ҳал қилинади, келгусидаги тараққиётимиз йўллари белгилаб берилади. Унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир оддий гражданнинг шарафли бурчидир.

Ориф ОБИДОВ,
1924 йилдан КПСС аъзоси.

Владимир МАЯКОВСКИЙ

Ўртоқ Ленин билан суҳбат

(ПАРЧА)

... Ўртоқ Ленин,
сизга ҳисоб бераман.
Хизмат эмас,
юрак шунга ундайди.
Ўртоқ Ленин,
энг зўр,
мушкул ишлар ҳам
амалга ошмоқда,
ошмай қолмайди.
Очларга берамиз
кийим, маърифат.
Кўмир ва маъдан ҳам
чиқмоқда кўпроқ.
Аммо шулар билан
бирга, бор, албат, —
ҳар хил бемаза иш,
бир мунча чатоқ.
Олишиб, муштлашиб
чарчайсан киши,
сизсиз
йўлдан озди
кўплар бирма-бир.
Кўпдир ҳар хил малъун —
қабиҳ қилмиши
улар
бизнинг ерда,
атрофда санқир.
Уларнинг на сони,
на лақаби бор,
чўзилар
у қора
типлар занжири.
Бири — қулоқ,
бири қилади иғво,
лаганбардор,
шумлар,
ичкилик пири —
кўкрагини кериб
мағрур кезади,
кўкракда белги-ю,
ручка чўнтакда.
Биз боплаб
берамиз —
барининг додин,
аммо бирдан янчмоқ
қийин, албатта.
Ўртоқ Ленин,
тутун босган фабриклар,
қорли,
тўйин ерлар
узра одимлаб,
қалбингиз-ла
яшаб,
сизни
табриклаб,
жанг қилиб,
яшаймиз, —
номингиз
дилда!..

Ульяновск шаҳрига, Ленин ҳузурига

УЛЬЯНОВСК, 20 апрель. (ЎзТАГ махсус мухбири С. Фенютин). Ўзбекистон вакиллари Владимир Ильич Ленин ватанига келдилар. Уларни бу ерда шоду хуррамлик билан, жануб куёшига хос ҳарорат билан кутиб олдилар. Қудратли Волга дарёси ҳанузгача музлаб ётишига қарамай, Ленин ёдгорлиги олдидаги майдонда ўт-ўланлар кўкариб, оқ қайинлар куртак чиқара бошлаган, яқинда бўлиб ўтган қор бўронидан сўнг яшил арчалар жонланиб қолган... Бу дов-дарахтлар Волга қирғоғидаги энг юксак жойга ўрнатилган ажойиб сарой-ёдгорликни қуршаб олиб, худди қўриқлаб тургандек.

Ильич ҳайкали пойидаги анвойи гуллар киши кўзини қамаштиради. Бу гулларни иттифоқдош республикалар делегациялари, СССР халқлари интернационал дўстлиги кунлари қатнашчилари олиб келишган. Бу кунлар жаҳонда биринчи ишчи ва деҳқонлар совет социалистик кўпмиллатли давлатининг асосчиси ва раҳбари туғилган куннинг 118 йиллигига бағишланган.

Ульяновск кўчаларида бугун турли тилларда сўзлашаётган одамларни кўриш мумкин. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, илм-фан ва ижодкор зиёлиларнинг вакиллари Советлар мамлакати халқлари дўстлигининг ижодкорига чуқур миннатдорчилик сўзларини изҳор этиш учун Ленин ватанига келганлар.

Днепр дарёси ва Балтика денгизи соҳилларидан, Кавказ тоғлари ва Ўрта Осиё даштларидан келган меҳмонларни ўз бағрига олган «Венец» меҳмонхонаси ҳозир гўёки бутун ватанимизни ўзида мужассам этган.

Ўзбекистон делегацияси бу ерга озарбайжонлик дўстлар билан бирга келди. Уларни аэропортда гулдор сарафанлар кийиб олган қизлар нонтуз билан кутиб олдилар, Ульяновск диёрига таклиф этдилар. Ҳар бир тоши Ленинни эслатадиган диёрга, инқилобий тафаккур ва инқилобий ишларнинг буюк ижодкорини тарбиялаб ўстирган диёрга таклиф этдилар. Тасодифан Ўзбекистон делегациясининг бирорта аъзоси шу кунгача Ульяновск шаҳрида бўлмаганлиги аниқланди. Мазкур шаҳарнинг ўзига хос жозиба кучи бор. Кечаси самолётда училганлиги, чарчаганлигига қарамай, ҳеч ким бироз мизғиб олишни хоҳламади, делегация Ульяновск диёрига дастлабки қадамни қўйиши биланоқ ишга киришиб кетди. Ҳа, делегация иш бошлади. Чунки бу галги интернационал дўстлик кунлари яқин-яқинларда ўтказиладиган шовқин-сuронли тантаналардан мутлақо фарқ қилади. Бу кунларга турғунлик даврининг ялқовлигидан фарқли ўлароқ қайта қуришнинг қудратли тўлқини куч-қувват бағишлаб турибди.

Область партия комитетининг иккинчи секретари Олег Владимирович Казаров қисқача фикрлашувдан сўнг делегация аъзоларини программадан ташқари сафарга тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси — М. Горький номли фабрикага таклиф этди.

Автобусда фабрика дарвозаларига яқинлашар эканмиз, Ленин шаҳри барча республикалар, шу жумладан Ўзбекистон билан қай даражада қалин дўстлик алоқалари боғлаганлиги ҳақида беихтиёр ўйлаб кетамиз.

Тошкентда 1966 йил зилзиласидан сўнг ульяновликлар ер ости офатида жабрланганларга ёрдам қўлини чўздилар, ўз ўлкаларида тошкентликларнинг ўнлаб оилаларини қабул қилдилар. Ильич туғилган куннинг 100 йиллиги арафасида унинг ватанида Ўзбекистон маданияти кунлари зўр муваффақият билан ўтди. Ҳосил унмаган 80-йилда Ульянов областидан республикамизга картошка ортилган эшелонлар жўнатилди. Ўзбек деҳқонларига пахтани парваришлашда ёрдам бераётган Ульяновск «Гидроаппарат» корхонасининг маҳсулотини ҳам мисолга келтириш мумкин. Андижон корхоналари билан ижодий ҳамдўстликни ривожлантираётган «Контактор» заводи коллективи дўстлигимиз йилномасига янги саҳифа битмоқда.

Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Эдуард Александрович Цейдлер алоқалар тўғрисидаги суҳбатни давом эттирар экан: «Биз ўзбек қизларидан юз нафарини қабул қилишга, уларни ўқитишга, улардан ажойиб, моҳир усталар тайёрлаб беришга розимиз. Мен қизлар учун ҳатто ётоқхонада жой асраб қўйибман. Тез орада Тошкентга бориб, республика Енгил саноат министрлигида музокара олиб бораман», деб ишонтирди.

Қайта қуриш даврида худди ана шу йўсинда — амалий, ишчанлик вазиятида, аниқ-равшан мулоқот олиб бориш бирдан-бир тўғри йўлдир. Илгари бўлганидек, бирбиримизни мақтамай, бирбиримизга хушомад қилмай амалий иш билан шуғулланишимиз лозим.

Эдуард Александровичга қийин бўлди. Корхона ҳақидаги ҳикоясидан сўнг саволлар ёғилиб кетди. Республика хотин-қизлар кенгаши президиумининг аъзоси, Тошкент область касаба союзлари Советн секретари Дилбар Муҳаммаджоновна Ғуломова ва «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси, республика Олий Советининг депутати Татьяна Михайловна Юхно уни саволларга кўмиб ташлашди. Бунга тушунса бўлади. Корхонада аёллар ишлайди. Унинг ўзига хос муаммолари бор. Шу сабабли маъмурият мураккаб масалаларни ҳал этиши зарур. Директор саволларга очиқ-ойдин жавоб берарди: меҳнат шароитлари яхшиланди. Болаларни боғчаларга ва яслиларга жойлаштириш учун энди ҳеч ким навбат кутиб ўтирмайди, профилакторий қуришни эса планга киритишни унутиб қўйибмиз. 200 дан ортиқ киши уй-жой кутмоқда. Хўжалик ҳисобида ишловчи қурилиш участкасини ташкил этяпмиз. 1990 йилга бориб уй-жой проблемаси ҳал бўлади. Бироқ ҳаёт бир ерда тўхтаб қолмайди, янги-янги кишилар келади. Уларни ҳам квартиралар билан таъминлашимиз лозим. Кадрлар кўнимсизлиги ҳали ҳам кўп. Корхона хўжалик юритишнинг янгича шароитларида ишламоқда, иш ҳақи эса унча кўп эмас, меҳнат зерикарли. Коллективни асраб қолиш мақсадида иккинчи сменада ишловчиларга қўшимча ҳақ тўлашга қарор қилдик.

Делегация аъзоларини, жумладан Чимбой районидаги Биринчи Май номли совхоз директори Кенесбой Хўжаевни колхоз-ишлаб чиқариш участкаларининг, корхона қишлоқ филиалларининг фаолияти қизиқтирди. Бундай корхоналар ҳозир бешта. Бу ерда йилига 9 ой ишлашади, уч ой далада меҳнат қилишади. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан хом ашё харид қилишади, унга эса тайёр маҳсулот сотишади.

Маҳсулот сифатини яхшилаш замирида қандай имкониятлар борлиги ҳақида кўп гаплар бўлди. Бу соҳада ўзбекистонлик тикувчилар ульяновликлардан ўрганишса ёмон бўлмасди. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Элегант» фирма магазини ҳеч қачон бўш турмайди, чунки унинг витриналари ва пештахталари ҳам сотиладиган кийим-кечаклар билан бўш турмайди. Э. А. Цейдлер фабрикада тикилган эркакларнинг костюмлари мамлакатда энг арзон костюмлардан эканлигини фахрланиб гапирди. Тоза жундан тикилган костюмнинг баҳоси 120 сўм экан. Шундан кейин уни саволга тутиб қолишди: область ва шаҳар раҳбарлари ҳам сизнинг костюмларингизни кийишадими ёки чет элдан келтирилган костюмларни афзал кўришадими?

— Ишга «ўз» костюмимизда чиқамиз, пойтахтга эса яхшироғини кийиб борамиз. Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг маҳсулоти бизга жуда манзур,—деб жавоб берди О. В. Казаров. У яқинда область партия комитетининг иккинчи секретари лавозимига сайланган, ўзи иқтисод фанлари кандидати, политехника институтининг ректори эди.

Делегациядаги эркаклар ҳам костюмларга аъло баҳо қўйишди. Аёлларга эса, хушбичим модали плашчлар ёқиб қолди. Бир пиёла кўк чой устида ўтказилган суҳбатда меҳмонлар мезбонларга сизнинг тажрибангизни бизникилар ўрганишса яхши бўлади, дейишди якдиллик билан. Ульяновликлар худди шу ерда фақат чиройли кўйлаклар тикибгина қолмасдан, ўзбек чойхоначиларидан қолишмайдиган даражада кўк чой дамлай олишлари мумкинлигини ҳам исботладилар.

Эртага эрталаб яна иш бошланади. «Қайта қуриш жараёнида Ленин намунаси асосида тарбиялаш» мавзуидаги илмий-амалий конференцияда область партия комитетида бўладиган суҳбатда қатнашиш, бадиий кўргазмаларга бориш керак. Ульяновск шаҳрига оқшом қўниши билан Ленин ёдгорлигининг катта залида интернационал дўстлик кунлари тантанали равишда очилди. Ленин қадамжоларига бориш, область меҳнаткашлари билан учрашувлар кунлар программасига киритилган.

Ильич туғилган кунда пионерлар паради ўтказилади, тантанали мажлис бўлади.

Интернационал дўстлик кунлари 23 апрелда Халқлар дўстлиги боғида меҳнат байрами билан ниҳоясига етади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Тошкент область партия комитети бюроси салбий сабаблар бўйича ишдан бўшатилган кадрларни бошқа раҳбарлик ишларига қўйиш ҳоллари давом этаётганлиги фактларини кўриб чиқиб, шуни таъкидлайдики, областдаги барча партия комитетлари ҳам ўз хатти-ҳаракати билан раҳбарлик лавозимини эгаллашга маънавий ҳуқуқини йўқотган кишиларга нисбатан принципиал позицияни эгалламаяптилар, бу масала юзасидан область партия комитети илгари қабул қилган қарорлардан зарур хулосалар чиқариб олмаяптилар.

Салбий сабабларга биноан ишдан бўшатилган шаҳар, район партия комитетлари номенклатурасидаги ходимларнинг умуман область бўйича ҳар етти нафаридан бири, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Сергели районларида ҳар беш нафаридан бири, Собир Раҳимов райони ва Ангрен шаҳрида ҳар уч нафаридан бири жуда ҳам катта бўлмаса-да, барибир раҳбарлик лавозимига ишга ўтказилган.

Фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва область партия комитети аралашувидан кейингина Оққўрғон, Бўка, Ғалаба, Калинин, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районларида уларнинг маълум қисми раҳбарлик лавозимларидан туширилди.

Бу иш ҳали кўпгина район ва шаҳар партия комитетларида охиригача етказилгани йўқ. Ўзини обрўсизлантириб қўйган ходимлар ҳамон раҳбарлик лавозимларини эгаллаб келмоқдалар.

Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосарлари Э. Эшматов ва С. Аброров, Оҳангарон район молия бўлими мудири З. Бойжигитов ўзларини обрўсизлантириб қўйганликлари учун лавозимларидан бўшатилиб, партиявий жазо олган эдилар. Бироқ турли хил йўллар билан яна раҳбарлик лавозимига тайинландилар.

У креслодан бу креслога ўтказиб қўйилаётганлар орасида совет, хўжалик органлари раҳбарлари, шу жумладан, хизмат вазифасини шахсий манфаат йўлида суиистеъмол қилган, қўшиб ёзиш ва ўғирликка йўл қўйган раҳбарлар ҳам оз эмас. Масалан, қўшиб ёзиш билан шуғулланганликлари учун Чирчиқ автобустаксомотор парки собиқ директори Р. Ҳ. Аҳмадеев, «Эталон» ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ директори Т. И. Шарафхўжаев КПСС сафидан чиқарилган, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ бош директори С. П Тетушкин, Тошкент шаҳар ижроия комитетига қарашли 1-трест собиқ бошқарувчиси И. Л. Мельников, картон идишлар заводи собиқ директори Ш. Шоабдурасулов қаттиқ партиявий жазо олган эдилар. Лекин Куйбишев, Ленин районлари ва Чирчиқ шаҳар партия комитетларининг назоратсизлиги оқибатида улар яна раҳбарлик ишларига ўтиб олдилар.

Айрим шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари қўшиб ёзишлар, мансабни суиистеъмол қилишлар, молиявий интизомнинг бузилишига йўл қўйган коммунист раҳбарларга нисбатан талабчанлик ва принципиаллик кўрсатмаяптилар. Министрликлар ёки идоралар бундай коммунистларни маъмурий йўл билан жазолаб, масъулиятдан қутқариб қолаётганлиги ва бошқа раҳбарлик креслосига ўтказиб қўяётганлиги каби ҳоллар билан келишиб келмоқдалар. Шундай раҳбарлар орасида «Тошкент» ёғочни қайта ишлаш ишлаб чиқариш бирлашмаси собиқ директори В. Шахматов (Собир Раҳимов райони), резинотехника буюмлари заводи собиқ директори Д. Микиртичев (Сергели райони), «Главташкентстрой»га қарашли турар-жой коммунал хўжалик бошқармаси собиқ бошлиғи В. Лебедев (Фрунзе райони) ва бошқалар бор.

Бўка, Ғалаба, Оржоникидзе ва Чиноз районларида нотўғри хатти-ҳаракатлар қилган раҳбарларга нисбатан ўз вақтида партиявий баҳо берилмаяпти, улар меҳнат коллективларида муҳокама этилмаяпти ва масъулиятдан сақлаб қолинаяпти.

Шаҳар, район партия комитетлари салбий сабаблар билан ўз лавозимидан бўшатилган раҳбарлардан бундан буён фойдаланиш устидан назорат қилмаяптилар, уларнинг бошқа район ва шаҳарларда, шунингдек улар ташқарисида масъул лавозимларни эгаллашларига имкон бермоқдалар.

(Давоми иккинчи бетда).

Ильич қасамёди

КЕНГ майдонда сафланган юзлаб жангчилар ўзлари томон шахдам яқинлашиб келаётган кишига ҳаяжон ила тикилишди. Бу киши ҳамма билган, таниган ва севган Владимир Ильич Ленин эди.

У сафнинг бир четидан жой олганча ҳамма қатори ғоз қотди.

Минбарда Советларнинг Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети раиси Яков Михайлович Свердлов кўринди. У қўлидаги қоғозга қараганча, унда ёзилган сўзларни дона-дона қилиб ўқий бошлади. Бу қизил аскарларнинг Тантанали ваъдаси эди. Она юртга ва инқилобга садоқат акс эттирилган Тантанали ваъда сўзлари кейин Қизил Армиянинг ҳарбий қасамёдига айланди.

Ҳамма жангчилар қатори Ленин ҳам бу қасамёд сўзларини такрорлай бошлади.

Ленин ёнида турган жангчининг чеҳраси жуда ҳаяжонли эди. Оддий деҳқон йигити бутун жаҳонга донғи кетган инсон билан ёнма-ён турибди. Совет ҳукуматининг бошлиғи — Халқ Комиссарлари Совети Раиси худди шу камбағал ишчи, деҳқон, ҳунармандлар билан бир қаторда қизил аскар қасамёдини қабул қилмоқда. Ленин инқилоб мудофааси йўлида барча тенг эканлигини ўз мисолида кўрсатмоқда.

Ўша, бундан 70 йил муқаддам 1918 йил 17 майда Москвадаги Михельсон заводи майдонида ҳарбий қасамёд қилган Москва гарнизони солдатлари номларини тарих билмайди. Ленин ёнида турган жангчиларнинг исми-шарифларини ҳам ҳеч ким билмайди. Аммо уларнинг барчаси инқилоб душманларига қарши аёвсиз жанг қилишгани маълум. Ленин билан бирга Қизил аскар қасамёдини қабул қилган ва унинг сўзларини тинглаган одамлар қўрқоқлик қилиши мумкинми, ахир!

Ўша куни Владимир Ильич Ленин Тантанали ваъда бериш маросимидан сўнг жангчиларга қарата оташин нутқ сўзлади. Душман қуршовида қолган ёш Совет ҳокимиятини ҳимоя қилиш учун фронтга кетаётган жангчилар Ильич сўзларини диққат ила тинглашди. У содда, равон ва барчага тушунарли тилда вазиятни баён қилди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қилганидан сўнг ишчи ва деҳқонлар ҳокимиятни қўлга олдилар. Ер-сув халқники бўлиб, завод-фабрикалар ишчиларники бўлиб қолди. Бу аҳволга капиталист бойлар ва помешчиклар чидай олмай, Совет ҳокимиятига қарши уруш бошлашди. Уларга Англия, Франция, Япония, Америка ва Германия ҳукмдорлари ёрдам бера бошлашди.

Революция хавф остида. Уни ҳимоя қилиш керак. Шу мақсадда Халқ Комиссарлари Совети Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси тузиш тўғрисида Декрет эълон қилди. Шу Декрет асосида тузилган Қизил Армия Псков, Ревель ва Нарва остоналарида босқинчи Германия қўшинларига зарба берди. 23 февраль куни немис босқинчилари ҳужуми тўхтатилди. Аммо Америка, Англия, ва Франция ҳукмдорлари юборган аскарлар Мурманскда, япон босқинчилари Владивостокда, мамлакат жанубида инглиз босқинчилари хўжайинлик қилишаяпти. Ер-сувлари, завод-фабрикаларидан ажраган бойлар эса уларга хизмат қилиб, Қизил Армияга қарши ўзларининг оқ гвардияларини тузишган.

Минбарда Ленин ёнида турган Свердлов доҳий сўзларини жон қулоғи билан тинглаётган жангчиларга қараб яқинда бўлиб ўтган Қизил майдондаги 1918 йил 1 Май байрамини эслади. Кремлдан ўтиб Ходин майдонига тўпланишди. Шу ерда ҳарбий парад бўлиб, у Ленин билан унда қатнашди. Ильич учувчилар, тўпчилар, пулемётчилар қисмларини айланиб, жангчилар билан саломлашди, уларни Биринчи Май билан қутлади. Парад жуда чиройли ва тантанали ўтди. Унда қатнашганлар тўғри фронтга йўл олишди.

Мана, ҳозир доҳий сўзларини тинглаётган жангчилар ҳам фронтга кетишади. Улар ўз озодликлари, болалари ва келгуси авлодлари бахти учун курашаётганларини яхши билишади. Шунинг учун улар ғалаба қилишади. Уларни ҳеч ким, ҳеч қандай душман енга олмайди.

Биринчи орден

КУЗ кунларидан бирида [1918 йил] Свердлов Халқ Комиссарлари Совети Раиси Владимир Ильич Ленин қабулига кирди.

Бугун у давлат бошлиғи сифатида ҳукумат бошлиғининг олдига ғоят нозик иш билан келди. Гап шундаки, рассом Денисов лойиҳаси асосида ишланган биринчи совет ордени — Россия Совет Федератив Республикасининг Қизил Байроқ ордени тайёр бўлган эди. Орденни таъсис этиш тўғрисидаги Декретда «Бу орден бевосита жанговар фаолиятида алоҳида жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатган РСФСРнинг барча гражданларига берилади» деб қайд қилинган. Хўш, биринчи орденни, дунёда биринчи Ишчи-Деҳқон давлатининг орденини кимга бериш керак! Бу орден билан ким биринчи мукофотланиши лозим! Ҳукумат аъзолари, партия ва давлат арбоблари бир овоздан Владимир Ильич Ленин номзодини айтишди. Биринчи орденга ундан бошқа ким сазовор бўлиши мумкин! Улар Свердловдан Ильичнинг олдига кириб ўзларининг бу қарорини унга етказишни илтимос қилишди.

Ленин Свердловнинг гапларини тинглаб, оҳиста сўради:

— Хўш, ўзингизнинг фикрингиз қандай, Яков Михайлович!

Свердлов доҳийнинг синчков нигоҳига дош беролмай бошини қуйи солди.

— Ўртоқларнинг фикрига тамоман қўшиламан, Владимир Ильич.

— Давлат бошлиғи сифатида ўзингизнинг мустақил фикрингиз қани, Яков Михайлович!

Ленин ҳаяжон ичра ўрнидан туриб кабинет ичида у ёқдан бу ёққа юра бошлади. Бу доҳийнинг нимадандир ранжиганининг аломати эди.

— Биласизми, Яков Михайлович, — деди Ленин жиддий оҳангда Свердлов қаршисида тўхтаб, — сиз билан биз учун муҳими халқимизнинг ишончи. У революция ғоялари учун, бизнинг ғоямиз учун курашаяпти. Фронтда жанг қилмоқда. Ана шунинг ўзи бизга юксак мукофотдир.

Свердлов Ильич чеҳраси ички тўлқиндан ёришганини кўрди. Доҳий нигоҳи олис-олисларда душман билан жанг қилаётган қизил аскарларни, заводлардаги дастгоҳларда, бепоён далаларда тер тўкаётган меҳнат аҳлини кўрарди.

— Гап бундай, Яков Михайлович, — Ильич қўлини Свердловнинг елкасига қўйди, — ўртоқларга, сизга таклифингиз учун раҳмат. Энди илтимос, менинг ҳам фикримни инобатга олсангиз.

— Қулоғим сизда, Владимир Ильич.

— Кеча Блюхернинг партизанлари Шарқий фронтнинг 3-армияси билан қўшилганини эшитгандирсиз!

Свердлов Революцион Ҳарбий Кенгашнинг бу ҳақдаги ахборотини олган ва жуда қувонган эди.

— Менимча, Яков Михайлович, биринчи орденимизга Блюхер сазовор. У амалда революция жангчисига хос жасурлик ва қаҳрамонлик кўрсатди.

Ильич таклифи эътирозсиз қабул қилинди. 1918 йил 28 сентябрда Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети Василий Константинович Блюхерни — вагонсозлик заводининг собиқ ишчиси, қизил командирни Қизил Байроқ ордени билан тақдирлади.

Деҳқон оиласидан чиққан ва ўз ҳаёт йўлини ишчилар синфи билан боғлаган Блюхер шу тариқа биринчи орденнинг биринчи кавалери бўлди. У бундай юксак шарафни олади. Гражданлар урушининг қаҳрамони бўлиб довруғ қозонди.

Василий Константинович Блюхер 1930 йил 13 майда таъсис этилган Қизил Юлдуз орденини ҳам биринчи бўлиб олган. Совет ҳукумати 1935 йилда олий ҳарбий унвон — Совет Иттифоқи Маршали унвонини таъсис қилганда ҳам у гражданлар урушининг донгдор саркардалари М. И. Тухачевский, А. И. Егоров, С. М. Будённий, Х. Е. Ворошилов билан бир қаторда бу юксак унвонга сазовор бўлган.

●

Ҳар йили юзлаб ёшлар Ватан мудофаачиси, Тинчлик посбони бўлиш учун ҳарбий хизматга — Совет Армияси сафига чақирилади.

Улар ўша, узоқ, бундан 70 йил муқаддам Владимир Ильич Ленин такрорлаган ҳарбий қасамёдни қабул қилишади.

— Мен ҳарбий ишни виждонан ўрганишга, ҳарбий анжомлар ва халқ мулкини кўз қорачиғидай асрашга ва сўнгги нафасимгача ўз халқимга, Совет Ватанига, Совет ҳукуматига содиқ бўлиб қолишга онт ичаман...

Бу тантанали ваъдага кўра улар доҳийнинг ҳарбий ишини чинакамига ўрганинг, деган васиятини ўз фаолиятларида амалга оширадилар, Совет Армияси сафида Тинчлик посбони сифатида эл-юрт осойишталигини кўз қорачиғидай асрайдилар.

Ватан — Она сўзи нақадар лазиз
Сенсан ҳар нарсадан мўътабар, азиз!
Солдат қалбида мангу жо бу сўзлар!

Ҳамдам СОДИҚОВ,
тарих фанлари кандидати.

Сўз — Ленин ордени нишондорларига

Эъзоз

Кўксимга Ленин ордени тақилган кунни сира унутмайман. Ҳаяжондан ўзимни йўқотиб қўйёзган эдим. Ахир, оддий ишчининг бу қадар иззат-икром топганини қай давр кўрибди? Фақат бизнинг жамиятимизгагина хос бу. Одамларга меҳр улашган, уларга тенгсиз бахт ва эрк берган улуғ сиймонинг номи билан аталувчи олий мукофот мени ва коллективимиз аъзоларини янги ютуқлар сари руҳлантириб юборди. Бу ҳаммамизнинг ишимизга берилган муносиб баҳо эди.

Ўшандан буён орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Аммо бу кунларнинг ҳар бири унутилмас, қизиқарли воқеаларга бой бўлди. Янгиланиш йўлидан дадил бориб, янги марраларни забт этдик. Бу — иш сифатидаги ўзгаришларда айниқса кўзга яққол ташланмоқда. Бирлашмамиз ёрлиғи туширилган маҳсулотларга республикамизнинг ҳамма жойида талаб ортиб бораяпти.

Шу буюмларнинг аксариятини тайёрлашга биз бичувчилар ҳам алоҳида улуш қўшаяпмиз. Биргина менинг ўзим ўн иккинчи беш йилликда яхши ишлашга, мусобақа илғорларининг олдинги сафида бўлишга қатъий аҳд қилган эдим. Фидокорона меҳнатларим эвазига иш билан сўз бирлигини таъминлаяпман. Доҳиймиз В. И. Ленин туғилган куннинг 118 йиллик тантаналари нишонланаётган шу қутлуғ кунларда яна бир натижага эришдим: ўн иккинчи беш йилликнинг тўрт ярим йиллик топшириғини бажардим!

Иш вақтининг бирон-бир дақиқасини беҳуда ўтказишни ёқтирмайман. Смена давомида ўзимдаги имкониятдан доимо максимум даражада фойдаланиб бораман. Бу шогирдларимга ҳам кўчган. Улар ҳам айни пайтда цехимизда ана шундай ҳаракат қилишмоқда. Ҳа, ўзимизга қанчалик талабчан бўлсак, ишимиз ҳам шунчалик унумли бўлади.

Корхонамиз ўзини-ўзи бошқариш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида ишламоқда. Хўжалик ҳисоби кундалик фаолиятимиздаги туб ўзгаришларни ясади. Биз янгича ишлашни ўргандик, ишга янгича муносабат юзага келди. Унинг илк самаралари бугунги ютуқларимизнинг пойдеворига мустаҳкам замин қўйяпти.

Галина ЗАКРИТНАЯ,
Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бичиқчиси.

Меҳр

Касбнинг яхши-ёмони бўлмайди. Ҳар бир ишга меҳр қўйиб, уни сидқидилдан, виждонан бажарсанг, ҳурмат-эътиборга сазовор бўласан. Мана менинг ҳам оддий соат тузатадиган уста бўлиб ишлаётганимга ҳам қирқ бир йил бўлди. Дастлабки ишга келганимда бу машаққатли ва айни вақтда қизиқарли касбни мукаммал ўрганиб оламан деб ишонмаган эдим. Шогирд бўлиб ишга киришган кунларим худди кечагидек ёдимда турибди. Ҳозир эса ўзим мураббийлик қилиб 29 шогирд етиштириб чиқардим.

Партия ва ҳукуматимиз қилган меҳнатларимни юксак тақдирлаб Ленин ордени, «Ҳурмат белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотлади. Буни айтишдан мақсад ҳар бир ишга меҳр қўйиб ишлаш керак, деб яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бирлашмамизда худди менга ўхшаган жуда кўплаб шогирдлар етиштирган устозлар бор. Шулардан бири Улуғ Ватан уруши инвалиди, Ленин ордени кавалери Фозил Ҳошимовдир.

Корхонамизда йигирмага яқин миллат вакиллари худди бир оила фарзандларидек аҳил меҳнат қилишади. Биз ана шу иноқлигимиз туфайли зиммамиздаги планларни ҳамиша ортиғи билан адо этишга эришмоқдамиз. Биринчи квартал плани бир миллион 170 минг сўм қилиб бажарилди. А. Аъзамов, Ю. Колосов, А. Блаф, З. Шинкеревский каби илғорларимиз кунлик иш нормаларини ҳар доим 110 процент қилиб адо этиб, бошқа ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

Бугун доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 118 йиллиги нишонланмоқда. Биз бу санани меҳнатда самарали ютуқлар билан кутиб олаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз.

Ҳамид УСМОНОВ,
«Техслождбитприбср» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадири.

Тошкент область партия комитетида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, Киров район Совети ижроия комитети раисининг собиқ ўринбосари В. Р. Абаков Тошкент районида ўрмон хўжалиги бўйича Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосарлигига тайинланган. Махсус қурилиш-монтаж ишлари министрлигининг Ҳамза районидаги автобазаси директори Г. К. Шадских партиядан ўчирилган бўлса-да, Куйбишев районидаги 2519-автобаза директорининг ўринбосари бўлиб ишлаяпти. Ҳисоб карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинган ва Фрунзе районидаги «Узэнерголегпром» корхонаси директори вазифасидан бўшатилган Д. Юсупов Янгийўл пойабзал фабрикаси директорининг ўринбосари лавозимини эгаллади.

Акмал Икромов, Бекобод, Калинин, Пискент районлари, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари бошланғич партия ташкилотлари хизмат юзасидан, шунингдек, халқ контроли органлари томонидан жавобгарликка тортилган коммунист раҳбарларнинг номақбул хатти-ҳаракатларини эътибордан четда қолдирмоқдалар. Таъкидланганидек, ўзини обрўсизлантирган раҳбарларни у креслодан бу креслога ўтказиб қўйиш фактлари кадрлар билан ишлашда зарур системанинг йўқлиги, бу масалада қабул қилинган қарорларга нисбатан расмиятчилик билан муносабатда бўлинаётгани оқибатидир.

Партия комитетлари бюроларида кадрлар билан ишлаш бўйича тасдиқланган комплекс планлар қандай бажарилаётганлиги кўп жойларда назорат қилинмаяпти, бу масала устида жиддийроқ ишлаш керак.

Бир қатор партия комитетларида номенклатура ходимлар учун кадрлар резервини танлаганда анкета маълумотларига қараб иш тутилмоқда. Бунда бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг фикри ҳамиша ҳам инобатга олинмаяпти.

Область партия комитети бўлимлари бу масалани ўз назоратларидан четда қолдирмоқдалар. Кадрлар билан ишлашда партия комитетларига амалий ёрдам кўрсатишга кам эътибор бериляпти. Область партия комитети бюроси шаҳар, район партия комитетлари секретарлари эътиборини салбий сабаблар билан ишдан бўшатилган ходимларга нисбатан принципсизлик, либераллик, кўнгилчанлик қилинаётганлигига қаратди. Бу ҳол ўзини обрўсизлантирган шахсларни бир раҳбарлик креслосидан бошқасига ўтиб қолишига йўл очмоқда.

Шаҳар, район партия комитетларига бундай ҳолларнинг ҳар бирини принципиал тарзда муҳокама қилиш ва жойларда айбдорларнинг партиявий масъулиятини кўриб чиқиш, кадрлар корпусини тозалашга изчиллик билан эришиш топширилди.

Партия комитетларининг биринчи секретарлари ўзини обрўсизлантирган шахслардан олдинги хизматларидан қатъий назар фақат оддий ишда фойдаланиш юзасидан қўйилган талабнинг сўзсиз бажарилишида шахсан жавобгар эканликлари огоҳлантирилди.

Айб иш қилган ходимларнинг партиявий масъулиятини бошланғич партия ташкилоти, шунингдек меҳнат коллективидан тортиб, зарурат бўлса партия комитети пленумларида ҳам кўриб чиқиш мажбурий қилиб қўйилди.

Салбий сабабларга кўра лавозимидан бўшатилган раҳбар коммунист устидан назоратни кучайтириш, бундай шахсларнинг яна раҳбарлик лавозимига чиқиб олишига йўл қўймаслик учун район, шаҳар партия комитетларига ўша кадр нима учун ишдан бўшаганлиги ва қандай партиявий жазо берилганлигини тегишли партия комитетларига маълум қилиш топширилди. Келишилмаган ҳолда бошқа жойларга кетиб қолган ва ўзини масъулиятдан олиб қочган кишиларга нисбатан принципиал позицияда турмоқ керак.

Область партия комитети бўлимлари, шаҳар, район партия комитетларига кадрлар билан ишлаш бўйича комплекс планлар қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил этиш топширилди. Мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан амалий чоралар кўриш зарур.



ЛЕНИН ВА ТОШКЕНТ

Тўлқин Каримов фотоплакати.

Қалбимиз тўридан жой олган, буюк, мўътабар инсон В. И. Лениннинг барҳаёт номи билан аталувчи жойлар, билим ўчоқлари, майдонлар шаҳримизда талайгина. Бугун улуғ доҳий ишининг давомчилари ўзларининг актив ҳаётий позицияси, фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшишмоқда, она-Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш иштиёқи билан яшамоқдалар, тинчликни, халқларнинг метиндек бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамламоқдалар.

Ленин райони шаҳримиздаги гуркираб, гуллаб-яшнаб бораётган районлардан бири ҳисобланади. Унга 1929 йилнинг 30 мартида асос солинган эди. Ўшандан буён башарият доҳийси В. И. Ленин номи билан аталувчи бу район таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Саноати юксалди. Қурилиши ўсди.

Район меҳнаткашлари ҳозирги кунда қайта қуриш ва жадаллаштиришнинг ойдин йўлидан бориб, халқ хўжалигининг барча соҳаларини ривожлантиришга баракали улуш қўшмоқдалар. Бунинг эвазига район саноат корхоналарида шаҳримизда тайёрланаётган асосий маҳсулотларнинг 11 проценти ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг кўпи 40 дан зиёд хорижий мамлакатларга экспорт қилинаётир. Реализация қилинаётган маҳсулотларнинг умумий ҳажми йилига 400 миллион сўмликни ташкил этаяпти.

Доҳий номи билан

Ҳозир район партия ташкилоти пойтахтимиздаги энг йирик ташкилотларнинг бирига айланган. Унинг сафларида 304 бошланғич ташкилот ва 19 мингдан зиёд КПСС аъзоси бор.

●

В. И. Ленин номидаги Тошкент метрополитени 1987 йилги давлат планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра ғолиб деб топилиб, яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди ҳамда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасидаги республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди. Коллектив республика партия ва ҳукуматининг бундай юксак мукофотига тўққизинчи марта сазовор бўлди.

1977 йилда метронинг тўққизта станцияси ҳамшаҳарларимизга хизмат кўрсата бошлаган эди. Вақтлар ўтиши билан транспортнинг бу қулай турига бўлган талаб янада ортди. Янги станциялар қурилиши жадаллик билан олиб борилди. Биринчи линия аҳолига тўла қувват билан хизмат кўрсата бошлади. Иккинчи линиянинг 6 та станцияси ишга туширилди. Ҳозирги кунда ер ости магистралининг 19 станцияси ишлаб турибди.

●

Электрон-техника заводи ишчи-хизматчилари ўз корхоналарининг улуғ доҳий В. И. Ленин номи билан аталишидан чексиз фахрланадилар. Бу ном ҳаммамиз каби улар учун ҳам ниҳоятда қадрли бўлиб қолган.

Айни пайтда завод ишчилари хўжалик ҳисоби шароитида иш юритишмоқда. Янги шароитда ишлаш уларни ҳар бир нарсага эътиборли бўлишга, имкониятлардан самарали фойдаланишга ўргатаяпти. Корхонанинг ўзини-ўзи бошқаришдаги ҳуқуқи ортиб бормоқда. Ўнлаб меҳнат илғорлари, ишлаб чиқариш новаторлари чинакамига хўжалик ҳисобининг жонкуярларига айланиб боришаётир.

●

Бугунги кунда В. И. Ленин номидаги Тошкент педагогика билим юрти ҳам халқ маорифини ривожлантириш ишига ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Ҳар йили бу намунали илм масканини тугаллаётган ёшлар республикамиз шаҳар ва қишлоқларидаги мактабларга йўл олишаяпти.

Буюк сиймо номи билан аталувчи бу билим маскани 1922 йилда ташкил этилган эди. Дастлабки йили атиги битта группада 25 ўқувчи таҳсил олди. Уч йилдан сўнг уларнинг 14 нафаригина билим юртини тугаллашга муваффақ бўлишди. Кейинчалик эса группалар ва талабалар сони йил сайин ўсиб борди. Ўқув базаси мустаҳкамланди ва кенгайди. Шу кеча-кундузда 51 та группада 1567 ўқувчи таҳсил олмоқда. Улар келгусида бошланғич таълим ва меҳнат ўқитувчилари бўлиб етишадилар. Педагогика билим юрти базасидаги иккита замонавий ўқув корпуси, спорт зали, 60 минг нусха китоб фондига эга бўлган кутубхона, 600 ўринли ётоқхона талабалар ихтиёрида. Энг яхши ўқувчи учун Ленин стипендияси ҳам таъсис этилган.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

Чин инсон ва самимий ўртоқ

Н. Крупская

✦ Ильич бутун совет аппаратидан аҳоли тўғрисида ғамхўрлик қилишни талаб этарди.

1919 йили очарчилик йили эди. Ана шу оғир вақтда Лениннинг болалар тўғрисида, уларнинг овқатланиши тўғрисида қилган ғамхўрликлари очиқ кўринди.

Баъзан Ильичнинг «майда-чуйда» масалалар билан шуғулланганини эслаган ўртоқлари: «Биз Ильични эҳтиёт қилмадик, уни майда масалалар билан банд қилиб қўйдик, бундай майда-чуйда ишлар билан уни овора қилмаслик керак эди» дейдилар. Бу шунчаки бир гап эди. Лекин Ильич майда масалаларга ҳам эътибор бериш керак, уларга диққат билан қаралгандагина совет аппарати чинакам демократик бўлади, формал демократик эмас, пролетар-демократик аппарат бўлади, деб ҳисоблар эди.

Илгари партияни тузганда Ильич ўртоқларни амалий иш кўрсатиш билан агитация-пропаганда олиб боришга ўргатган бўлса, Совет ҳукуматига бошчилик қила бошлагандан кейин давлат аппаратида қандай ишлаш кераклигини, ундаги ҳар хил бюрократизмни қандай йўқ қилиш кераклигини, совет аппаратини оммага яқин, унинг ишончига сазовор қилиш зарурлигини кўрсатишга ҳаракат қилди.

Аппарат ичида ҳам Ильич ҳар қандай бюрократизмга хотима беришга ҳаракат қилар, ҳар бир ходимга эътибор билан қарашни, ўз аппаратидаги кишиларни билишни, ишда ҳам, ишлаш учун тегишли шароит яратишда ҳам уларга ёрдам беришни талаб қилар эди.

Мен Халқ Маориф Комиссарлигининг мактабдан ташқари тарбия бўлимида ишлар эдим. Ильич менинг аппаратимдаги ходимлар тўғрисида ҳамиша сўраб турар, уларни билар, у ёки бу ходимдан у ёки бу соҳада тўлароқ фойдаланишни маслаҳат қилар эди. Улар тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганимни, уларнинг қандай овқатланаётганини, болаларининг аҳволини мудом сўраб турар эди. Баъзан у менинг ходимларимни ўрганганн, умрида кўрмаган бўлса-да, менга нисбатан яхшироқ билганлиги маълум бўларди...

М. Горький

✦ ...Уни тасвирлаш қийин. Балиқ тангачалари билан безалганидек, Лениннинг ташқи қиёфаси унинг сўзларида тўла акс этарди. Ўзи ҳам сўзлари сингари содда ва дангал эди.

Унинг қаҳрамонлиги ташқи жиҳатдан деярли ҳеч билинмас эди, унинг қаҳрамонлиги — Россияда кам бўлмаган — ер юзида социал адолат ўрнатиш мумкинлигига сидқидил билан ишонган софдил рус интеллигент-революционерининг камтарин, аскетларча фидокорлиги ва ботирлигидир, унинг қаҳрамонлиги — одамларнинг бахти деб, оғир ишларни бажариш учун дунёнинг бутун вақтичоғликларидан воз кечган бир кишининг қаҳрамонлигидир.

А. Луначарский

✦ ...Унинг бутун организмида, тузилиш жиҳатдан ҳам, ҳаракатларида ҳам ҳеч қандай ясамалик, одатдан ташқари, кўзга ташланадиган ғалатилик сингари бирор нарса йўқ эди.

Ленинда бундай хислатларнинг бўлиши мумкинми, ахир! Ленин қатъий фикр-маслаги билангина эмас, балки бутун вужуди билан демократ эди-ку. Ташқи кўринишига қараб ўз шахсига айтилган ҳар қандай мақтовларни унга жуда даҳлсиз, ўтакетган дид-фаросатсизлик ва бачканалик деб биларди. Ташқи қиёфасида ҳам, кийим ва юриш-туришида ҳам даставвал у ана шу одатдаги кўз илғамасликни назарда тутган эди. Ахир, буларнинг ҳаммаси аҳамиятсиз-ку, у буларнинг ҳаммаси тўғрисида ўйламайди-ку, буларнинг ҳаммаси унинг онгида мутлақо акс этмайди-ку. Лениннинг ташқи қиёфасидаги беҳад оддийликнинг сабаби ҳам ана шунда.

С. Киров

✦ Лениннинг чин инсонлиги тўғрисида бир неча оғиз сўз айтмоқчиман. Бизнинг ҳеч биримиз бундан ҳам самимий ва дилкаш кишини учратмаганмиз. У ҳар томонлама баркамол эди. У ҳар биримизнинг қалбимизга йўл топа оларди. Унинг самимийлигини билмаган бирорта партия аъзоси бўлганмикин!

Ўртоқлари даврасида у ҳамманинг кўнглидаги муддаосини билиб турса ҳам, лекин буни бировга сездирмасди. У ҳамиша хушмуомала ва дилкаш эди.

Ишчи ва деҳқонлар билан майда-чуйда нарсалар тўғрисида ҳам узундан-узоқ гаплаша оларди. Ҳатто душманларимиз ҳам Ильичга қойил қолишар эди.

Инсониятни ҳеч ким Ленинлек яхши билган эмас, унинг революцион ишда дадил бўлишига ҳам сабаб шу эди, деб тушуниш лозим.

Зоя ВОСКРЕСЕНСКАЯ,
СССР Давлат мукофоти лауреати.

Дўстлик ҳалқалари

Ҳикоя

— 1 —

Май келди. Шушенск қишлоғи атрофидаги ҳайдалган қоп-қора шудгор яшил майсалар билан қопланди. Ярми кесиб ташланган ўрмонга ҳам файз кирди. Йўллар селгий бошлади.

Оскар кунгай ерда қовоғини солиб ўтирганча, уй бекаси қўлида ўйнаётган пилтакачларидан кўз узмасди.

— Нега хафасан, ўғлим? — сўради аёл.

Оскар индамади. Нима ҳам дейди? Нима бўлаётганини унинг ўзи ҳам билмайди. Яқинда Владимир Ильич бир соатча обдон сўроқ қилди: қаеринг оғрияпти? Нега оғрияпти? Оскар тузукроқ тушунтириб беролмади. Куч-қувватдан қолди — тағин йигирма икки ёшда-я! Қўлига бир бало бўлган, нуқул ҳалақит беради. Етдими — худди тошдек ботади, юрса икки ёнида шалвирайди...

— Қўл бекор қолмасин экан, худди касал-а, — шикоят қилди Оскар.

Владимир Ильич бўлса кулади:

— Тузатамиз, Оскар Александрович, албатта тузатамиз.

Ажойиб одам-да Владимир Ильич. Ҳамиша хурсанд, сургун ҳам таъсир қилмайди. Кўп ишлайди, ёзади, ҳатто овга ҳам вақт топади, шахмат масалаларини ечади. Кечқурун Оскарга сиёсий китоблар ўқиб беради...

Елкасига жилд осиб олган қўшни бола Ленька ялангоёқ кўча чангитиб ўтиб қолди.

Оскар Ленькадай пайтда отаси уни хизматкорликка берди. «Сен тилла занжирлар, узуклар, тақинчоқлар ясайдиган заргар бўласан, —деди отаси,— сенга уста ҳам топиб қўйдим».

Оскар биринчи бўлиб кўргани —у билан ҳалқаларни тўғрилайдиган узун пўлат бармоқ —ригель бўлди. Ригель билан уста Тайфер Оскарнинг бошида қанча-қанча ғурра пайдо қилмади.

Оскар тўрт йил хўжайиннинг болаларига қаради, сувга чопди, ўтин ёрди, арақ олиб келди, орасира заргарликни ҳам ўрганиб турди. Ўн олти ёшида хўжайин билан хайрлашиб, Путилов заводига ишга ёлланди.

Заргар эди, токарь бўлди. Ҳамма ҳақорат қилавердиган шогирд эди, қўрқмас революционер бўлди. Қилтириқ болакай забардаст йигитга айланди. Унинг залворли мушти ҳақида иғвогарлар билиб қўйди. Худди ўша иғвогар туфайли Оскар уч йил сургунга ҳукм этилди...

Оскар ўрнидан туриб, кулбага кирди. Хонасига бориб, қўлларини бошига қўйиб, кўзларини юмди.

У араванинг ғийқиллаганидан уйғониб кетди. Ўрнидан туриб, деразага яқин борди. Қўшниси Зиряновларнинг эшиги олдида арава турибди. Унда шаҳарчасига кийинган икки аёл ўтирарди. Аравани қизиқувчан болалар ўраб олишганди.

— 2 —

— Владимир Ильичнинг қайлиғи-ку! — Оскар қичқириб юборди ва уч-тўрт ҳатлаб кўчанинг бетига ўтиб олди.

— Сиз Надежда Константиновнамисиз? Салом, — деди Оскар хипча бел қизни қутлаб.

Қиз ёрқин кўзларини унга дадил тикди, дўмбоқ лабларида табассум зоҳир бўлди.

— Сиз менимча, бетоб Оскар Александрович бўлсангиз керак. Ҳеч ҳам касалга ўхшамайсиз. Салом.— У кўришиш учун қўлини чўзди, — менинг онам Елизавета Васильевна билан танишинг. Нега Владимир Ильич кўринмайди?

— Овга кетишган, — оёқлари билан тупроқни тўзғитиб жавоб берди Ленька.

— Владимир Ильич сизни интизорлик билан кутди. Ҳар куни ўрмондан гуллар олиб келарди. Бугун аксига олиб овга кетишибди, — бу ноxуш хабарни юмшат моқчи бўлди Оскар.

— Энди нима қиламиз?— кулди Надежда Константиновна, — наҳотки ортимизга қайтиб кетсак?!

— Мутлақо ундай қилмайсиз! —кескин деди Ленька, —улар кечқурун қайтиб келишади.

Оскар болалар билан буюмларни уйга ташиб киришга ёрдамлашди.

Кечқурун Ленька ойнани тақиллатди: уни Владимир Ильич чақираётган экан. Оскар энгилбошини тартибга келтирди.

Зиряновларнинг уйида хурсандчилик авжида эди. Надежда Константиновнанинг кўзи Оскарга тушиши билан унга тўқима сават узатди:

— Мана бу дардингизга даво.

— Ҳа-ҳа, даво, жуда ҳам тез таъсир этувчи даво, — тасдиқлади Владимир Ильич.

— 3 —

Оскар журъатсизгина корзинкани бир четга олиб борди. Қопқоғини очиб, ичидаги қоғозга ўралган нарсаларни оча бошлади. Бирида заргарлик ишлари учун кичкина босқон. Юраги ҳаприқиб иккинчи, учинчи, тўртинчи ўрамларни очди: заргарликка ишлатиладиган барча асбоб-ускуналар, энг тагидан ригель чиқди.

— Сиз ёмон кўрадиган ригель! хитоб қилди Владимир Ильич, — қани, мен бир кўрай-чи.

— Ёвуз қўлларга тушсагина ёқимсиз бўлади,— эътироз билдирди Оскар.

— Владимир Ильич хатида сизнинг касалингиз ҳақида шундай ёзгандики, биз бу ерга токарлик станогини ҳам олиб келишга рози эдик, — деди Елизавета Васильевна кулги аралаш.

Оскар эрталаб ўз хонасини худди байрамга тайёрлагандек оро бера бошлади; пол ювди, столни тозалади. Устига топ-тоза мато ёзиб, ўз хазинасини устига қўйди.

У ишни нимадан бошлашни билмасди.

Чўнтагидан беш тийинлик тангани чиқарди, узоқ қаради: икки бошли бургут, ўнг панжасида тождор ҳассани ушлаб турибди. Худди уста Тайфернинг қўлидаги ригель каби.

Беш тийинликни босқонга қўйди, кейин ғазаб билан болғачани олиб, унга ура кетди. Танга ялпая бошлади. Оскар барча нарсани унутиб, вужуди билан ишга берилди. Эритди, арралади. Унинг қўллари енгил, ҳаракатчан бўлиб қолганди. Энди улар ортиқча эмасди.

У қандайдир финча қўшиқни куйлаб ишларди. Кечга бориб иккинчи узукни ҳам битирди. Уларни қоғозга ўраб, гугурт қутисига солиб қўйди.

Эрталаб шудринг босган майсалардан юриб, Шуша соҳилига йўл олди. У ерда ландиш, момақаймоқлар чамандек очилиб ётарди. Оскар бир даста юлиб, боғлади. Оскар оҳиста Зиряновларнинг уйи томон юриб кетди. У ўз совғасини тезроқ Владимир Ильич ва Надежда Константиновнага элтиб бергиси келарди.

Сибирь шамоли Оскар куйлаётган шаффоф қўллар, оромижон ўрмонлар ва инсон учун энг катта бахт — яхши дўст топиш ҳақидаги қўшиқни чўллар бағрига олиб кетарди.

Ўша узуклар Владимир Ильич Ленин Марказий музейида сақланади. Вақт ўтиши билан улар қорайиб кетган, лекин барибир чиройли. Чунки улар қалб даъвати билан, ишни соғинган қўллар томонидан яратилган. Бу инсон муҳаббати яратган бебаҳо совға эди. Бу узуклар дўстлик ҳалқалари эди.

Васила ЗАЙНУТДИНОВА
таржимаси.

Бош майдон

(Монолог-қатра)

Оламда шаҳарлар кўп.

Шаҳарларда эса майдонлар бор. Ҳар бир майдон ўзининг тарихига эга.

Бугун бу тарихлар ҳақида сўзламоқчи эмасман.

Бугун қадимдан нон шаҳри, дўстлик шаҳри деб улуғланиб келаётган она шаҳрим — Тошкент ҳақида сўзлайман.

Бугун шаҳримнинг Бош майдони — Владимир Ильич Ленин номли майдон ҳақида сўзламоқчиман.

Майдоннинг энг тўрида доҳийнинг улуғвор монументи қад кўтарлаб турибди. Унинг пойидаги ранго-ранг гулларни шамол сийпалайди.

Назаримда ҳаёт бир гулзору, Ленин ана шу гулзор ичра келажак ҳақида хаёл сураётгандек.

БОШ МАЙДОН — ШАҲРИМИЗ НИНГ ТАРИХИДАН СЎЗЛАЙДИ. Майдон бағридан ўтаётганингда қулоғингга беҳтиёр ота-боболаримиз нинг шахдам одимлари эшитилгандек бўлади. Улар янги ҳаёт учун, инсоният келажаги учун жон фидо этишган.

БОШ МАЙДОН — ШАҲРИМНИНГ ЭНГ УЛУҒ ЗИЕРАТГОҲИ. Бу ерга келаётган одамлар оқими бир лаҳза бўлсин тинмайди. Улар Ленин билан кўришишга ошиқадилар. Майдондан эса янги ижодий режаларга, илҳомга тўлиб қайтадилар. Улар Ленин билан бўлган суҳбатдан олам-олам онг, шуур оладилар.

БОШ МАЙДОН — ШАҲРИМНИНГ ХОТИРА КИТОБИ. Кўз олдингга жанг суронлари, гулдуруслар намоён бўлади. Гўё номаълум солдат ўрнидан туради-ю, сенга сўзлайди: мен номаълум солдат эмасман. Мен — Ватан ўғлиман. Мен шу шаҳар фарзандиман.

БОШ МАЙДОН — ШАҲРИМНИНГ ЮРАГИ. Тошкентга келган меҳмон энг аввало шу майдонга қадам босади. Шу майдондан серқуёш республикамиз бағрига минглаб йўллар чўзилиб кетган. Худди қон томирлари каби.

БОШ МАЙДОН! Сен ҳамиша халқимнинг олий тилаклари янграйдиган, уларни мардлик, ватанпарварликка ундайдиган қутлуғ жойсан.

Сени ортиқ таърифлашга ҳожат бормикан!

Сенинг энг буюк тарихинг — сенга Владимир Ильич Ленин номи берилганлигидадир.

Ленин номи билан, Ленин нигоҳи билан ҳамиша нурафшон, ардоқли бўлавер, эй шаҳримнинг оташин юраги!

Темур ЙЎЛДОШЕВ.

Ўзинг бизга етакчи

I

Нега бугун ўзгача наҳор,
Чеҳралар шод, чеҳралар хуррам!!
Нечун турфа гул сочар баҳор,
Одим ташлар қувнаб ҳар одам!!
Бугун байрам, олам ҳайратда,
Бахтли меҳнат таронасига.
Жило берар бу кун албатта,
Коммунизм кошонасига!
Бир байрамки бугунги байрам,
Мислсиздир ҳар сонияси.
Бир сафдадир кекса ҳам, ёш ҳам,
Жўшқин меҳнат симфонияси!
Ҳар бирининг дилида туйғу,
Ҳар бирининг қалбида Қуёш.
Тилда такрор айтилган сўз шу:
Доҳий Ленин ўзи бизга бош!

II

Ўчмас дилдан суронли йиллар
Совет юрти бўларди барпо.
Бир-бирига туташган қўллар,
Буюк ишни бошлаган депо.
Ҳа, шанбалик ўша кунданоқ,
Айлангандн эл шиорига.
Биринчи ғишт қўйилди ўртоқ,
Бахтли кунлар пойдеворига.
Давом этар, ҳали кўп йиллар,
Авлодлардан авлодга мерос,
Эстафета олар
Қўллардан қўллар,
Бу иш фақат бизларгадир хос!
Давом этар, бу чархи замин, —
Тургунича, бор экан Қуёш.
Бахтли меҳнат ҳар он, ҳар дами,
Доҳий Ленин бўлар бизга бош!

III

Юринг, қани дўстлар, ўртоқлар,
Қадамлардан сачрасин учқун!
Жавлон урар қалби қайноқлар,
Шарафлайлик меҳнатни бу кун!
Теваракда қайнайди ҳаёт,
Дилда тошиб шуур ва илҳом.
Эл бахти-чун боғлайлик қанот,
Фидокор деб чиқарайлик ном.
Тарих бетин айлаб кўп порлоқ,
Меҳнатимиз бўлсин мукаммал.
Пешона тер билан эй, ўртоқ,
Кунимизга қўямиз ҳайкал!
Чорлар бизни Меҳнат байрами,
Дўстлар, юринг, қалбларда Қуёш.
Зафар топсин унинг ҳар дами,
Доҳий Ленин ўзи бизга бош!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Бир ҳайкал тарихи

Ленининг номи миллионлаб кишиларни илҳомлантиради. Бу ном инсоният фидойиларининг тилидан бир лаҳза бўлсин тушмайди. Юқоридаги суратга эътибор бердингизми? У СССР халқ рассоми Матвей Манизер ишлаган В. И. Ленининг машҳур ҳайкали. Ҳайкал бронзадан бор-йўғи тўрт нусхада қуйилган бўлиб, улар Хабаровск, Куйбишев, Кировоград ва Ленинград яқинидаги Пушкин шаҳарларига қўйилган эди.

Машъум қирқ биринчи йилнинг кузида Ленинград шаҳри немис фашистлари томонидан қамал қилинди. Фашистлар ҳайкални тагсупадан ажратиб олиб, Германияга қайта эритиш учун жўнатишди. Доҳийнинг ҳайкали йўқолгани ҳақидаги хабар бир зумда бутун Ленинград областига тарқалди. Бу хабарни Володарский станциясининг паровоз машинисти, ўз вақтида шаҳардан чиқиб кетолмай қолган Евгений Михайлович Шестаковлар оиласи ҳам эшитди.

1942 йилнинг эрта баҳорида Шестаковлар оиласи каторга ишлари учун Германияга олиб кетилади. Улар саксонлик помешчик аёл Гертруда Шеленинг уйида қулдек ишлай бошлайдилар. Шестаковнинг қизи Валентина эса қулай пайт топиб, немис коммунистлари билан алоқа боғлашга эришади. У довюрак ватанпарвар, антифашист Роберт Бюхнер билан танишади. Ўндан Ленининг Пушкин шаҳридаги ҳайкали ҳозир Эйслебен шаҳридаги «Кругхютте» заводида эканлигини аниқлайди.

Коммунистлар қуюв цехи мастерини қўлга олиб, ҳайкални ҳеч ким сезмайдиган қилиб, ерга кўмадилар ва устини металл чиқиндилари билан беркитиб қўядилар.

Ҳайкал заводдаги қўриқчилар томонидан қаттиқ қўриқланарди. «Ильични қутқариш керак!». Завод коммунистларининг қарори қатъий бўлди. Шундай қилиб 1942 йил кузида Эйслебен шаҳрида махфий операция амалга оширилади: ҳайкал знён-захматсиз асраб қолинди.

Ленин қиёфаси!.. У ким томонидан яратилган бўлмасин биз учун, прогрессив инсоният учун қанчалар азиз, муқаддас!

Владимир Ильич уруш ғалаба билан тугаган жойда ҳам ҳалоскор жангчиларимиз билан бирга бўлди. Улар Эйслебен шаҳрига кирганларида Ленин ҳайкалини кўриб, ҳайратга тушдилар:

— Ленин! Қаранглар, Ленин!

— Ростдан ҳам бизнинг Ильичку!

Ленин олди очиқ костюмда жилмайиб турар, худди жангчиларимизни олқишлаётганга ўхшарди.

Бу ўша Пушкин шаҳридаги ҳайкалнинг ўзи эди. Уни немис коммунистлари минг бир чиғириқдан ўтиб, сақлаб қололдилар.

Пушкин шаҳрида В. И. Ленин ҳайкали ўрнида эса ҳозир немис халқининг доҳийси Эрнст Тельманнинг ҳайкали қад ростлаб турибди. Уни Эйслебен шаҳри ишчилари пушкинликларга ҳадя қилишган.

Германияда Владимир Ильич Ленин, Совет Иттифоқида эса немис халқининг доҳийси Эрнст Тельман ҳайкали. Улар немис ва совет халқларининг бузилмас интернационал дўстлигининг буюк рамзи бўлиб қад кўтариб турибди.

Тоҳир УБАЕВ.

Йўлчи юлдуз

Менинг ҳаётимда В. И. Ленининг номи доимо йўлчи юлдуз бўлиб келди.

Ўқиган илк бадиий асарим Ўзбекистон ССР халқ шоири Эркин Воҳидовнинг доҳийнинг болалиги ҳақидаги «Буюк ҳаёт тонги» достони бўлган.

Мен Наманган областидаги Ульянов номли 8-ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатдим.

В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида беш йил таҳсил кўриб, имтиёзли диплом билан тамомладим.

Шундан кейин В. И. Ульянов номли Қозон Давлат университети аспирантурасига қабул қилиндим.

1987 йили доҳий туғилган куни — 22 апрелда Бутуниттифоқ аттестация комиссиясидан хушхабар келди: менга тарих фанлари кандидати илмий унвони берилди.

Ҳозир Наманган Давлат педагогика институтида КПСС тарихи кафедрасида ишлаяпман.

Владимир Ильич Ленининг номига, ишига садоқат умрим мазмуни бўлиб қолади.

Бахтиёр ИСҲОҚОВ.

У севган мусиқалар

Музика инсон ҳаётида ғоят муҳим роль ўйнайди. Куй таралган жойда қалблар илҳомга тўлади, ёркин эҳтиросларюзага келади. Кишиларни яшашга, курашга, завқланишга чорлайди.

Доҳиймиз В. И. Ленин муҳим давлат ишлари билан нақадар банд бўлишига қарамай театрга бориш, ўзи ёқтирган музикаларни тинглаб завқ олиш учун ҳамиша вақт топарди. Доҳий оламга машҳур Римский-Корсаков, Бородин, Моцарт, Глинка, Бетховен каби бастакорларнинг асарларини катта иштиёқ билан тинглар эди.

Кичик Володяни музика оламига олиб кирган унинг онаси Мария Александровна бўлди. У фортепианода яхшигина куйлар ижро этиш қобилиятига эга эди. Ҳамжиҳатлик ва дўстлик ҳукмрон бўлган Ульяновлар оиласида тез-тез музика садолари ва қўшиқлар янграб турарди.

Владимир Ильичнинг ҳаётини қўшиққа бўлган муҳаббатсиз тасаввур қилиш қийин. Доҳийнинг ўзи ҳам дўстлари билан жўрликда куйлашни хуш кўрар эди. Халқаро пролетариатнинг гимнига айланган «Интернационал», халқни ўз эркини ҳимоя қилишга чорловчи «Марсельеза», Ильичнинг яқин сафдоши — революционер ва олим Г. М. Кржижановский томонидан русча тексти ёзилган «Варшавянка»ни Владимир Ильич айниқса ёқтирарди.

Нусрат ИНОҚОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, кекса созанда.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.

Ленин ғояларининг ҳаётбахш манбаи

...Портретни эрталаб Қаршидан олиб келдилар, биз эса унн туш вақтида В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залида кўрдик. Уста дохий қиёфасини металл зарраларидан меҳр билан ишлаган эди.

Афтидан у пўлат, мис, алюминдан ишланган ҳар бир деталлдан тўқилган зарраларни йиғган ва ҳар бир ялтироқ зарра унинг қўл ҳароратини ўзида сақлаб қолгандек эди. Зеро, унинг қўлларн металлардан юзлаб фойдали буюмлар ясаган. Уста бир неча ойдан буён ана шу зарралар устида ишлардн. Апрель ойи яқинлашган сари иш ҳам ниҳоясига етай, деб қолдн: шонли санага улгуриш керакда. Устанинг эзгу ниятини Ленин музейидагилар ҳам баҳам кўришди. Унинг моҳир қўллари билан яратилган Ильич портрети экспозицияга киритилди.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида журналистлар билан бўлган учрашув ана шу совғалар — янги экспозициялар билан танишувдан бошланди. Бизнинг дастлабки саволларимизга музейнинг ўзидан жавоб топдик: бу ерга келган группа-группа одамларни лекторлар бўлимдан бўлимга олиб ўтишар, кинозалда эса Ленин ҳақидаги фильм намойиш этилардн.

Бугун бу ерга келган ҳар бир киши Владимир Ильич ҳаёти билан, Ленин ғояларн билан танишиб, ана шу танишув туфайли пайдо бўлган юксак туйғуларини яшира олмас эди. Чунки бугунги кун музей ташкил этилганлан бери ўтган 18 йилнинг — 6570 кунидан атиги бир куни эди, холос. Музей В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигида очилган. Шундан бери бу ерда 9 миллиондан ортиқ киши бўлди.

Ленин мемориалининг фаолияти мазмунга жуда бой. Экспозицияларда доҳийнинг шонли ҳаёти, Ленин ғояларининг тантанаси акс этган. Зотан, биз янги ғалабаларимиз учун куч-қувватни ана шу ғоялардан оламиз. Бу ерда жуда катта бойлик — 15 мингдан ортиқ экспонат тўпланган. Ленин ҳужжатлари, Ленининг ҳаётлигида ва ундан кейин нашр қилинган асарлари, фотосуратлар ва картиналар, фильмлар, Ильич овози ёзилган пластинкалар, замондошларининг хотиралари, халқнинг Ленин ғояларига муҳаббати ва садоқатининг далиллари...

Муайян бир мавзуга бағишланган кўргазмалар, лекторларнинг маърузалари, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан учрашувлар, пионерларнинг йиғилишлари — Ленинизм ажойиб манбаининг мазмунан ранг-баранг, шаклан бой фаолияти ана шундан иборат.

Музей ишига ўн тўққизинчи партия конференциясига тайёргарлик янги омил бағишлади. Ҳар гал мамлакат ҳаётининг муҳим босқичларида бўлганидек, бу гал ҳам Ленининг донолигига, партиянинг улкан тажрибасига мурожаат қиламиз. Худди шу нарса музейнинг янги режаларида ўз аксини топган. Хусусан, шу кунларда, бу ерга пропагандистлар, лекторларнинг келиши тасодифий эмас. Заводларда, қурилишларда, колхозларда, мактабларда Тошкент мемориалининг филиаллари кўпайиб бормоқда.

Ленин мемориалининг табиати шундай — у муқаддас ёдгорликларни авайлаб асрайди, у Ленин ғояларининг жонли манбаи.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбири.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкентликлар диққатига!

ШАҲАР МАРКАЗИЙ БОЗОРИДА АҲОЛИДАН ТУРЛИ СИҒИМДАГИ ШИША ИДИШЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛУВЧИ

ПУНКТ ОЧИЛДИ

ҚАБУЛ ПУНКТИ ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 10 ДАН 18.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Транспорт: метронинг «Космонавтлар проспекти» станцияси; 1, 5, 7, 8, 10, 11, 13, 22-трамвайлар; 3, 11-троллейбуслар; 97-автобус.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИГА 33-72-59 ТЕЛЕФОНИ ОРҚАЛИ МУРОЖААТ ҚИЛИШ МУМКИН.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ.

Ширинликлар дастурхон кўрки!



АНЪАНАГА КЎРА, ШАРҚДА МЕҲМОННИ КУТИБ ОЛИШДА ҲАМ, КУЗАТИБ ҚЎЙИШДА ҲАМ ДАСТУРХОНГА, АЛБАТТА ШИРИНЛИКЛАР ТОРТИЛАДИ.

АНА ШУ ЯХШИ АНЪАНА ҲОЗИР ҲАМ ДАВОМ ЭТИБ КЕЛАЯПТИ.

Дастурхон анъанавий новвот, парварда, ҳолва билан бир қаторда, конфетлар, шоколадлар, печенье ва вафлилар билан ҳам безатилади.

МЕҲМОН КУТИШ НИЯТИДА БЎЛСАНГИЗ ШИРИНЛИКЛАРНИ ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ МАГАЗИНЛАРИДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН. МАГАЗИНЛАРДА УКРАИНА ССР-НИНГ ВИННИЦА, ПОЛТАВА, КРЕМЕНЧУГ, ЗАПОРОЖЬЕ ҚАНДОЛАТ ФАБРИКАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРГАН КОНФЕТЛАР, ПЛИТКАЛИ ШОКОЛАДЛАР, ПЕЧЕНЬЕ ВА ВАФЛИЛАР СОТИЛМОҚДА.

Ушбу магазинлар Мукимий, Ш. Руставели, Б. Хмельницкий, Ивлиев, Сапёрлар, Баранов кўчаларида жойлашган.

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧЕТОРГИ (телефон: 53-27-29).

Сиз севган атир

ФРАНЦУЗ МОДАСИ БИЛИМДОНЛАРИНИНГ ТАЪКИДЛАШЛАРИГА КЎРА, АЁЛ КИШИНИНГ УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ЎЗ АТИРИ БЎЛАДИ.

БУ АТИРНИНГ ХОТИРАДА ЎРНАШИБ ҚОЛАДИГАН ҲИДИ БЕТАКРОР ОБРАЗ ҲОСИЛ ҚИЛАДИ. МАБОДО ҲАНУЗГАЧА ЎЗ АТИРИНГИЗНИ «ТОПИБ УЛГУРМАГАН» БЎЛСАНГИЗ, БАЪЗИ БИР МАСЛАҲАТЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАМИЗ.

«НАЕДИНЕ» атирида лимон ва апельсин софлиги марваридгул ва атиргулнинг муаттар ҳиди билан қўшилиб, ажиб бир уйғунлик касб этади, айни пайтда сандал дарахтининг ўзига хос ўткир ҳиди сезилиб туради.

«ЯЛЛА» атири — гиацинт ҳиди ҳамда кўкатлар тароватини эслатади.

«ВОСТОЧНИЕ» атирида — марваридгул ва ясминнинг нозик ҳиди билан ўткир ёғоч ҳиди ҳамоҳанг бўлиб кетган.

«НОКТЮРН» атирида — ясмин ва атиргул, сандал ва мушки-анбар ҳидлари мужассам.

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА ИСТАГАН АТИРНИ ТАНЛАБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«ТОШКЕНТ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ.

ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ИХТИСОСЛАШГАН 93-ТРЕСТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКТАЦИЯ БОШҚАРМАСИ **ҚУЙИДАГИ ОРТИҚЧА МАТЕРИАЛЛАР ВА УСКУНАЛАРНИ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛАДИ:**

«Ацетилен» гази сақланадиган янги газ баллонларини;

II категориядаги Д-426 мм. пўлат қувурларни;

II категориядаги Д-377 мм. пўлат қувурларни;

Д-500 миллиметрли флянцларни;

Д-300 миллиметрли флянцларни;

турли пўлат туташтиргичларни;

ПФС ўзгартиргичларини;

I тонна юк кўтарадиган автопогрузчикни;

пайвандлаш агрегатини;

100 ва 200 тонна юк кўтарадиган гидравлик домкратларни.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Халқлар дўстлиги кўчаси, 59 А (отчопар райони). Телефон 76-66-96.

ИХТИСОСЛАШГАН 93-ТРЕСТНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТЕХНОЛОГИК КОМПЛЕКТАЦИЯ БОШҚАРМАСИ.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИНИНГ РЕСПУБЛИКА СОВЕТИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

«ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ ҚИЗИЛ КИТОБИГА» ёзилган табиий ҳолда ўсувчи ўсимликларни — барча турдаги лолалар, чучмомалар ва бошқа ўсимликларни йиғиш ёки уларга бирон-бир зиён етказиш

ҚАТЪИЯН ТАҚИҚЛАНАДИ

Бу қоидани бузган хусусий кишиларга — 50 сўм; МАНСАБДОР ШАХСЛАРГА — 100 сўм жарима солинади.

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА

25 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 ДА

СССР 51-чемпионати учун

1-ЛИГАНИНГ

«ПАХТАКОР» (Тошкент) — «МАСК» (Москва)

КОМАНДАЛАРИ ЎРТАСИДА

Футбол

Танаффус вақтида спорт-бўюм лотереяси ўйналади. (лотерея билетларининг серия номерлари 120001 дан 140000 гача).

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб турган филиали учун

(Юнусобод массиви, 7-квартал)

АЁЛЛАРНИНГ ЕНГИЛ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА Л А Р НИ ТАЙЁРЛОВЧИ ҚИСҚА МУДДАТЛИ КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқиш даврида ўқувчиларга 30 сўм стипендия ва база корхона томонидан қўшимча 40 сўм ёрдам пули тўланади.

МАШҒУЛОТЛАР— 1988 ИЛ 10 МАЙДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), яшаш жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

22-СПТУ қабул комиссиясининг адреси: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (2, 3, 16, 22, 23, 25, 28-трамвайлар; 9, 10, 17, 19, 24, 51, 60, 72- 156, 165-автобусларнинг «Олой бозори» бекати). Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, филиалининг адреси: Тошкент шаҳри, Юнусобод массиви, 7-квартал (25, 28, 29-трамвайларнинг «Сўнгги» бекати).

Охунбобоев номидаги Республика медицина билим юрти томонидан **Муҳамеджанова Дильфуза Алимжановна** номига берилган 081337 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИГА КИРУВЧИЛАР, КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛИШНИ ХОҲЛАСАЛАР

24 АПРЕЛЬ СОАТ 10.00 ДА

ФИЗИКА ФАНИ БЎЙИЧА ОЛИМПИАДАДА ҚАТНАШИШЛАРИ МУМКИН.

Олимпиадага Тошкент шаҳри ва областидаги мактабларнинг 9 ва 10 синф ўқувчилари таклиф этилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 20-уй, «Б» корпуси («Санъат музейи» бекати), «Физика» кафедраси 551-аудитория, телефон: 56-13-88.

«Спортлото»— миллионлар ўйини

«СПРИНТ», «СПОРТЛОТО», «СПОРТПРОГНОЗ», СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА «СПОРТЛОТО» БОШҚАРМАСИ ШУ ЙИЛНИНГ 15 МАЙ КУНИ СПОРТ ЛОТЕРЕЯЛАРИ МУХЛИСЛАРИ БИЛАН ТЕЛЕВИЗИОН УЧРАШУВ ЎТКАЗАДИ. УЧРАШУВ ПАЙТИДА БОШҚАРМА ВАКИЛЛАРИ СИЗЛАРНИ ҚИЗИҚТИРГАН БАРЧА САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШАДИ.

Саволларни ёзма равишда қуйидаги адресга жўнатинг: 700043, Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти, 11-уй; ташкилий бўлим (конверт устига албатта «Спортлото» — миллионлар ўйини» деб ёзилган бўлиши ва 10 майгача жўнатилиши керак).

Ўзингизни қизиқтирган саволлар билан 3-10 май кунлари соат 15 дан 17.00 гача 45-27-55 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин. Ёзиб ёки қўнғироқ қилиб улгурмаганлар эса ўз саволлари билан бевосита телевизион кўрсатув берилаётган пайтда мурожаат қилсалар ҳам бўлади.

Кўрсатув вақти «РЕКЛАМА» — «СПОРТЛОТО» — миллионлар ўйини» телевизион программасида қўшимча суратда маълум қилинади.

САВОЛЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ.

«СПОРТЛОТО» РЕСПУБЛИКА БОШҚАРМАСИ.

ҲОЖАТБАРОР МАГАЗИН

МАРГАРИН ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ БЎЛИБ, ЕР ЮЗИДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ВА ЭНГ КЎП ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИНУВЧИ ЕҒЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ.

Бундай шуҳрат қозонганлигининг боиси у тўйимли бўлиб, биологик аҳамиятга эга, енгил ҳазм бўлади. Маргарин оила рационини «А» ва «Е» витаминлари билан бойитади... Буни қарангки, «Е» витамини сариёғга нисбатан маргаринда кўпроқ бўлар экан.

Маргаринлар ниҳоятда ранг-баранг. Ёғ, турли қўшимчалар ҳар бир маргаринга ўзига хос таъм бағишлайди.

Қуюқ ва суюқ таомларни тайёрлаш, варақи ва пончикларни пиширш учун ТОЗАЛАНГАН ПАХТА ЕҒИДАН фойдаланилади. Уни пахта ёғини тўла тозалаш йўли билан олинади ва 500 грамм ҳажмдаги шиша идишларга жойланади.

«РАДУГА», «СОЛНЕЧНИЙ», «ЭКСТРА», «СТОЛОВИЙ», «МОЛОЧНИЙ», «ЛЮБИТЕЛЬСКИЙ» МАРГАРИНЛАРИНИ ҲАМДА ТОЗАЛАНГАН ПАХТА ЕҒИНИ ЛЕНИН РАЙПИШЧЕТОРГИГА ҚАРАШЛИ ҚУЙИДАГИ МАГАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

2 — Вокзал олди майдони;

3 — Пролетар кўчаси, 20«а» уй;

5 — Қўйлиқ массиви, 3-уй;

14 — Новий путь кўчаси, 1-уй;

16 — Фоменко кўчаси, 64-уй;

18 — Қўйлиқ массиви, 3-уй;

28 — Т. Шевченко кўчаси, 8-уй.

30 — Сарикульская кўчаси, 95-уй.

Ленин райпишчеторги.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНЛИГИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 22/IV да **Балет кечаси,** 23/IV да **Кармен,** 24/IV да **Коппелия** (12.00), **Чио-Чио- Сан** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 22/IV да **Тоҳир ва Зуҳра,** 23/IVда **Узилган торлар,** 24/IV да **Тошболта ошиқ.**

Кино

22 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «ЮЛДУЗ БЎЛИШ ОСОНМИ?» (16, 18.30, 21.00).

Ватан — «ИЗТОПАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

Восток — «ОЛТИН ЗАНЖИР» (жуфт соатларда).

Москва — «ОЛТИН ЗАНЖИР» (тоқ соатларда ва 20.40 да).

Дружба — «ҚЎЛГА ОЛИШ», «ШАХСИЙ СОҚЧИ» (17, 20; 18, 20.30).

Нукус — «ПОТЁМКИН БРОНЕНОСЕЦИ» (16.00).

Лисунов номли — «БИР МАРОТАБА АЛДАБ» (17, 19, 21.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «БИРИНЧИ УЧРАШУВ, СЎНГГИ УЧРАШУВ» (жуфт соатларда).

Санъат саройи — «РЕСПУБЛИКА МУЛКИ» (17, 19.30).

М. Шайхзода номли — «ТОНГГИ ЧАВАНДОЗЛАР» (16, 18.30, 20.45).

Чайка — «ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» (16, 18.30, 21.00).

23 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Тошкент Советининг 50 йиллиги —«ОЛТИН ЗАНЖИР» (16, 18, 20, 21.30).

Ватан — «ИЗТОПАР» (жуфт соатларда ва 21.30 да).

ВЛКСМ 30 йиллиги —«ОЛТИН ЗАНЖИР» (жуфт соатларда).

Искра — «БИР МАРОТАБА АЛДАБ» (12.00).

Санъат саройи — «РЕСПУБЛИКА МУЛКИ» (12, 14.30, 17, 19.30).

Чайка — «ИККИ ЁҚЛАМА ҚОПҚОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44-21-44, 44-21-34, 44-21-74.

Чайка — 77-06-20.

Тошкент Советининг 50 йиллиги — 78-47-25.

Қозоғистон — 35-24-92.

Ватан — 74-30-38.

Восток — 91- 14-61.

Дружба — 67-96-15.

Шаҳар кинотеатрларида хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилашга оид таклиф ва истаклар билан Кинолаштириш бошқармасига 33-37-11 телефони бўйича мурожаат қилинсин. Репертуардаги ўзгаришлар тўғрисида кинотеатрлардан тўлиқ маълумот олишингиз мумкин.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Ҳинд ва Африка филлари» аттракционининг гастроллари** (22/IV да 19.30 да; 23/VI да 16, 19.00 да; 24/IV да 12, 15, 18.00 да).

Ўзбек давлат академик драма театри коллективи таъминот бўлимининг бошлиғи А. Абдураҳмоновга акаси

Аҳрор АБДУРАҲМОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида мустақил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: бўлимлар: партия турмуши ва пропаганда — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳалқ контроли — 32-54-34; саноат, транспорт ва алоқа — 33-08.74, 32-57-84; шаҳар хўжалиги, савдо ва маиший хизмат — 32-55-39, капитал қурилиши — 32-58.85; фан ва ўқув юртлари — 32-53.10; физкультура ва спорт, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси — 32-55.32; маданият — 32-53-83; ахборот — 33-28-95; хатлар ва оммавий ишлар —33.29-70; иллюстрация — 32-55-37; жамоатчилик редакцияси — 33.99-42, 32-53-66; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56.84; эълонлар — 33-81-42.

Р. — 09703. Якшанбадан ташқари ҳар куни чиқади. Ички саҳифаларга 19.30 да қўл қўйилган. (График бўйича 17.00 да қўл қўйилиши лозим). А. 2103. Тиражи — 107820. 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.